

ҚАДИМЛИКДА ЎХШАР ОНА ТУПРОҚҚА ДУНЁ УЗРА ЖАРАНГЛАЁТГАН ТИЛ, ИНСОНИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ТАЯНЧИ

“O‘zbekiston Respublikasining Davlat tili o‘zbek tilidir”

“Davlat tili haqida”gi qonun, 1-modda.

- *Til — umumbashariy qadriyat, insoniyatga ato etilgan ulug‘ ne‘matdir. Muhtaram Yurtboshimiz «Ona tili bu — millatning ruhidir. O‘z tilini yo‘qotgan har qanday millat o‘zligidan judo bo‘lishi muqarrar», deya ta’kidlaydi. Til — shaxsni shakllantirgan, millatni vujudga keltirgan, uni taraqqiyot bosqichiga olib chiqqan mo‘tabar xilqat.*



Ўзбек тили — давлат тили, она тилим — миллат руҳи ва ғурури

1989-йил 21-октябрда “Давлат тили ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 1993-йил 2-сентябрда “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг қабул қилинганлигига бу йил **30 йил** тўлди. Ўтган шу даврда она тилимизнинг янада сайқалланиши, бадиийлиги, тарихийлиги ва дунё миқёсида аҳамияти ҳамда нуфузини оширишга қаратилган қатор маданий, маънавий-маърифий, мафкуравий ижод, изланишлар, илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Тил — миллат қиёфасининг бир бўлаги. Шу сабабли ҳали мустақилликка илк қадамлар ташланаётган даврдаёқ ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Дунёдаги барча халқ ўзининг миллий расмий тилига эга, деб айтолмаймиз. Чунки бу халқнинг миллий мустақиллиги билан боғлиқ. Бу оламшумул ҳодисанинг туб моҳиятини келажак авлод онгига сингдириш, унга муҳаббати, садоқатини янада мустаҳкамлаш шу тил жонкуярлари — ўқитувчилар, тилшунослар, умуман ўзини шу миллатнинг фарзанди деб билган ҳар бир шахснинг ҳар кунлик бурчи бўлиши шарт. Шундагина ўсиб келаётган ёш авлод тил нега миллий ғурур эканлигини ҳис этадиган, турли маънавий, мафкуравий таҳдидлар таъсирига тушмайдиган бўлиб етишади.

Дунё олимларининг эътирофига кўра, бугунги кунда ер юзи аҳолиси 2 минг 976 хил тилда гаплашади. Бу тиллар ўзининг лексик ва грамматик хусусияларига кўра тил оилалар ва гуруҳларига бўлинади. Жонажон ўзбек тили — она тилимиз хусусида сўз кетганда, унинг дунё тиллари орасида ўзига хос мавқега эга эканлигини кўрамиз. **Она тилимиз — ўзбек тилига 1989 йил 21 октябрда давлат тили мақоми берилди.** Бу мамлакатимиз, юртдошларимиз ҳаётидаги унутилмас, тарихий воқеага айланди. Айни пайтда тилимизнинг ижтимоий мавқеини янада мустаҳкамлаш, юксалтириш учун ҳам беқиёс имконият яратилди.

Тилнинг эгаси халқ, аммо халқнинг битта вакили лоқайд бўлса ҳам тилнинг софлигига путур етади. **Тил — давлат тимсоли, мулки.** Тил маданиятига амал қилинмаса, миллий маданиятга доғ тушади. Шу сабабли ўзбек тилининг ҳудудимизда давлат тили сифатида амал қилишининг ҳуқуқий асослари қонунан белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни уч принципга: умумийлик, мажбурийлик ва ҳуқуқий кафолатга асосланади. Шу маънода ҳар бир Ўзбекистон фуқароси давлат тилида сўзлай олиш ва уни ҳурмат қилишга мажбур.

Ҳар йили 21-октабр куни мамлакатимизда тил байрами сифатида кенг нишонланиши анъанага айланиб қолган. Чунки, мамлакатимизда она тилимизни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, унинг миллий руҳини ошириш, маданият ва санъатни юксак поғоналарга кўтариш, шунингдек, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш соҳасида қабул қилинган Давлат дастури ижросини таъминлашдек, устувор йўналишдаги вазифаларни бажариш том маънода кундалик ҳаётимизга тобора сингиб бормоқда.

Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили — миллатнинг руҳидир.

Ўзбек тилининг халқаро миқёсдаги обрўси ошиб, у фаол мулоқот воситасига айланиб бормокда. Турли даражадаги расмий учрашув ва музокараларда тилимиз кенг қўлланаётгани, хориждаги қатор таълим даргоҳларида, илмий муассасаларда ўзбек тили марказлари ташкил этилиб, уларда она тилимизни ўрганишга қизиқувчилар сони кўпайиб бораётгани бунинг яққол далилидир. Дарҳақиқат, ҳар бир миллатнинг, халқнинг ўтган куни, бугуни ва келажагини, унинг мавжудлигини биргина омил — она тили билдириб туради. Жонажон ўзбек тили — она тилимиз хусусида сўз кетганда, шубҳасиз унинг дунё тиллари орасида ўзига хос мавқега эга эканлигини кўрамиз.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, “Давлат тили ҳақида”ги Қонун она тилимизнинг бор гўзаллиги ва жозибасини тўла намоён этиш билан бирга, уни илмий асосда ривожлантириш борасида ҳам кенг имкониятлар яратди. Олимлар ва мутахассислар томонидан илм-фан ва турли соҳаларга оид энциклопедия ва луғатлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилди. Латин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг яратилиши уни амалиётга татбиқ этилиши ҳам шу ишларнинг узвий давоми бўлди.

Эътироф этиш керакки, дунёдаги 200 та тил бугунда давлат тили мақомига эришган бўлиб, шулар орасида ўзбек тили ҳам бор. Бу эса, ҳар биримизнинг қалбимизда фахрифтхор туйғуларини уйғотиб, тилимиз софлигини сақлашда зиммамизга масъулиятлар ҳам юклайди. Ёш авлодни ана шу руҳда тарбиялаш эса педагоглар, қолаверса, кенг жамоатчиликнинг вазифаси, бурчи ҳисобланади.

Ўзбек тилининг бой имкониятлари бугунги кунда тилшуносларимиз томонидан чуқур ўрганилмоқда. Тилимизни эъзозлаш, ёш авлодни она тилига ҳурмат руҳида тарбиялашда буюк аجدодларимизнинг ҳаёти ва фаолияти катта ибрат мактабидир. Ҳар бир миллатнинг, халқнинг ўтган куни, бугуни ва келажагини, унинг мавжудлигини биргина омил — она тили билдириб туради. Жонажон ўзбек тили — она тилимиз хусусида сўз кетганда, шубҳасиз унинг дунё тиллари орасида ўзига хос мақеиға эға эканлигини кўрамиз.

Тилшунос олимларнинг фикрига кўра, туркий тиллар эрамининг IV асрида уч гуруҳга бўлинган ҳамда қарлук, қипчоқ, ўғуз гуруҳлари вужудга келган. Булар орасида энг қадимги ёзув тили қарлук гуруҳи заминидан шаклланган азалий ўзбек тилидир. Тарихда энг кўп адабий ва илмий асарлар ҳам шу тилда ижод қилинган. Сақокий, Навоий, Бобур сингари сўз усталари ижоди билан бу тил янада сайқалланган ва ривожланган.

Ўзбек адабий тили туркий тиллар гуруҳига мансуб бўлиб, у мустақил тил сифатида XI асрдан бошлаб шаклланиб бошлади ва то ҳозирги кунимизгача бу тилда кўплаб илмий ва бадиий асарлар яратилди. Хусусан, Махмуд Қошғарийнинг “Девони луғотит-турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”, Рабғузийнинг “Қиссаи Рабғузий”, шунингдек, Атоий, Сайфи Сароий, Мавлоно, Лутфийларнинг яратган бой илмий-адабий меросларини тилга олиш мумкин.

Таниқли рус тарихчиси А.П.Григорев шундай деб ёзган: «Ўша пайтда (XIII-XIV асрлар) Олтин Ўрдада сўзлашув ва ёзув тили сифатида қипчоқ лаҳжаси қўлланилган бўлсада, расмий ёзишмалар ва адабий матнларда Чиғатой лаҳжаси, яъни эски ўзбек тили қўлланилган».

Айниқса, туркий тилнинг беқиёс имкониятларини кўрсатишда Алишер Навоийнинг буюк хизматларини алоҳида эътироф этиш жоиз. Ҳазратнинг нафақат бадиияти, балки тилшуносликка бағишланган “Муҳокомат ул-луғатайн”, яъни “Икки тил муҳокамаси” номли асари шу соҳадаги қиёси йўқ манба ҳисобланади.

Қолаверса, шоҳ ва шоир Бобур Мирзонинг тилимизда яратган гўзал асарлари бугун ҳам ўқувчилар томонидан севиб мутолаа қилинади. Албатта, она тилимизнинг тараққиёти юқорида номлари келтирилган буюк аجدодларимизнинг юксак муҳаббатида кўриниб туради.

Ҳозирги ўзбек адабий тили меъёрлаштирилган бўлиб, тилимизнинг луғат бойлиги, товуш тизими ва грамматик қурилиши олимлар томонидан илмий асосларда ўрганилган. Бу соҳадаги изланишлар бугун ҳам давом этмоқда. Айтиш жоизки, ўзбек тили мамлакатимиз мактабларида XX асрдан бошлаб ўқитила бошланди. Таълим жараёнида кишиларимизнинг тилга оид билимлари шакллантирилиб, нутқий саводхонлик даражаси ўстириб борилди.

Маърифатпарвар ва забардаст адибимиз Абдулла Авлоний: «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётидир. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур»- деган аниқ ва теран фикрларни баён этганда нақадар ҳақ эди.

Абдулла Авлонийнинг она тили ва адабиётни бузиш, бошқа тиллар билан аралаштириб, мазмун-моҳиятини ўзгартириш, пировард натижада, бир тилнинг бошқа тилдан устун туришига, тилнинг руҳиятини бузишга қаратилган ҳар қандай уриниш ва зид ҳаракатларга қарши чиққанлиги қуйидаги пурмаъно сўзларида яққол исботланади. «Зиғир ёғи солуб, мошкичири каби қилуб, аралаш-қуралаш қилмак тилнинг руҳини бузадир. Боболаримизга етишғон ва яраган муқаддас тил, адабиёт бизга ҳеч камлик қилмас. Дунёнинг лаззати содиқ дўстлар ила суҳбат қилмоқдан иборат».

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган туб ислохотларнинг марказида иқтисодий ислохотлар билан бир қаторда маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий ислохотлар турганлиги ўз самарасини бермоқда. Айниқса, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, бозор иқтисодиёти муносабатларининг тобора шаклланишида, инсон тафаккурининг ўзгаришида фан, таълим, маданият, маънавият ва маърифат, шунингдек, ўзбек тили ва тил маданиятининг ривожланиши халқимизнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган тарихий урф-одатлари, удумлари, анъаналари, тартиб-қоидалар, турмуш тарзи ва азалий қадриятларининг асосий мезони сифатида намоён бўлиб келмоқда.

1989-йил 21-октабр куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясининг муҳокамасидан сўнг ўзбек тили давлат тили деб эълон қилинди ва бу тарихий ҳодиса мустақилликдан икки йил олдин рўй берди. Бу улуғ мақсадга эришиш ва тарихий воқеликнинг рўёбга чиқарилишида муҳтарам Ислом Каримов бевосита раҳбарлик қилганлар.

1992-йил 7-декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида ўзбек тили давлат тили мақомига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди. «Шу тариқа ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси, Конституцияси қаторида турадиган қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсоллардан бирига айланди».

Мустақиллик-йилларида ўзбек тилининг жамиятимизнинг барча соҳаларида кенг қўлланилаётганлиги, халқаро миқёсда компьютер ва интернетда фойдаланилаётгани ҳам ижодиёт ва идоравий иш юритишда ўз самарасини бериб келмоқда. Ўзбек тили халқаро миқёсда кенг ва фаол мулоқот воситасига айланиб, унинг хорижий давлатлар раҳбарлари билан олиб борилаётган музокара ва учрашувларда, юксак даражадаги расмий тадбирларда қўлланилаётганлиги барчамизда ғурур-ифтихор туйғусини уйғотишини Ислом Каримов ўзининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» номли асарида алоҳида таъкидлаб ўтганлар.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг ушбу асарида: «...ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги рухий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига тил орқали, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. **Она тили — бу миллатнинг руҳидир**» — дея таъкидлаб ўтилган.

Тил — миллатимиз фаҳри, ғуруридир. Айни чоғда орзу-умидларимиз, истиқлолимиз унда бўй кўрсатадиган, қалбимиз ойнаси ҳамидир. Шундай экан, она тилимизга доимо ҳурмат ва эътиборда бўлиб, унинг жамиятимиздаги мавқеини юксалтиришга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшайлик. Зеро, тил бор экан миллат барҳаёт, унинг истиқболи нурли ва чароғондир.

Юқорида таъкидлаганимиздек мустақиллик шарофати билан 1993-йил 2-сентябрда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Бу ҳуқуқий тадбир, ўзбек тилининг халқаро доирасидаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтириш, Ватанимизнинг жаҳон коммуникатсия тизимига боғланишини таъминлаш, чет тиллар ва ахборот технологияларини пухта эгаллаш учун қулай шароитлар яратиб берди. Ҳозирги кунда юртимизда мактабларда, литсей ва коллежларда, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида, яъни таълимнинг барча босқичларида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси қўлланилмоқда. Эндиликда бу ёзувда дарсликлар, ўқув қўлланмалари, газета-журналлар, реклама ва эълонлар нашр этилмоқда. Шу билан бирга, мамлакатимиз аҳолисининг кўпмиллатли экани эътиборга олиниб, айрим миллий гуруҳлар тилида кирилл ёзуви қўлланиши учун имконият яратилди ва бу ҳозир эркин равишда амалга оширилмоқда.

**ЭЪТИБОРИНГИЗ
УЧУН РАХМАТ!**